



Amir Temur kuchi
0909 001

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА

города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

164

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 y.g. «3» септ

№ 415-4

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар А.Темур кўчаси атрофидан “MOHLAROYIM NUR”
масъулияти чекланган жамиятига хусусий боғча очиши учун 0,19 га ер
майdonи ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 528-сонли қарори, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 декабрдаги 05/3-721 сонли баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари ҳамда “MOHLAROYIM NUR” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг шаҳар ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 декабрдаги 05/3-721 сонли баённомаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил, 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
3. Каттакўрғон шаҳар А.Темур кўчаси атрофидан “MOHLAROYIM NUR” масъулияти чекланган жамиятига хусусий боғча очиши учун 0,19 га ер майdonи ажратилсин.
4. “MOHLAROYIM NUR” масъулияти чекланган жамиятига белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида хусусий боғча биносини қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

5. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

6. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га “MONLAROYIM NUR” масъулияти чекланган жамиятига хусусий боғча очиши учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

7. “MONLAROYIM NUR” масъулияти чекланган жамиятига шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали (2018-йил 31-декабр) асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

8. “MONLAROYIM NUR” масъулияти чекланган жамиятига хусусий боғча қуриш учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Маматов ҳамда шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



М.Хашимов